

ISSN: 2545-0573

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Эргашева Ю. А.

Тарих фанлари доктори, профессор ҚарМИИ Ўзбекистон тарихи кафедраси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Туризм соҳаси, меҳмонхоналар, музей туризми, маданий туризм, зиёрат туризми, сайёҳлар, туризм салоҳияти.

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимиз туризм салоҳияти ва туризмни ривожлантириш масалалари таҳлил қилинган, шунингдек, иқтисодийтимиз юксалиши ва аҳолини турмуш даражасини янада оширишда туризмнинг ўрни ҳамда ролини ошириш бўйича амалга ошириш лозим бўлган вазифа ва чора-тадбирлар белгилаб берилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Кириш. Дунёда тобора кучайиб бораётган глобаллашув жараёнлари инсониятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётини барча жабҳаларига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу борада ривожланган давлатлар иқтисодий ва маданиятининг барча соҳаларини қамраб олаётган соҳа сифатида, туризмнинг жаҳон миқёсида мавқеи кучайиб бормоқда.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодийга юқори даромад келтирадиган истикболли тармоқлардан бири – бу туризмдир. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб туризм миллий иқтисодийнинг стратегик муҳим тармоқларидан бирига айланди. Шу муносабат билан мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, унинг диверсификация қилиш ва ҳудудларда жойлашган туризм объектларини таъмирлаш, асраб авайлаш, жадал ривожлантиришни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадлари ва ҳаёт сифатини ошириш, шунингдек, инвестицион жозибадорликни ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилишга эътибор кучайтирилди. Республикада олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири туризм соҳасини ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим. Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий кўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради. 2019-2025 йилларда

Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортдан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард АҚШ долларига етказиш лозим” –деб вазифа белгиланганини келтириб ўтиш мумкин.[1] Бундан ташқари ушбу соҳани жадал ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрь ПФ-4861-сон “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлан-тиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февраль ПФ-4947–сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 3 февраль ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 5 январь ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 28 май ПФ-6002-сон “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 9 февраль ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлан-тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонларида Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш, туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, меҳмонхоналар қуришнинг мақсадли параметрлари, истиқболли инвестиция лойиҳалари, замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиладиган маданият объектлари ва муассасалари белгилаб берилди. Бу эса республикамизда туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳитни яратган ҳолда, энг самарали тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга келадиган туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш бўйича ишларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили (Literature review). Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишига тааллуқли илмий адабиётларни хронологик доираси ва методологик ёндашувлар хусусиятларига кўра иккита асосий гуруҳга – биринчи гуруҳга мустақиллик йиллари яратилган асарлар, иккинчи гуруҳга хорижий тадқиқотларга бўлиш мумкин. Мустақиллик йилларида объективлик ва тарихийлик тамойиллари асосида бир қатор тадқиқотчиларнинг монографиялар, дарсликлар ва мақолалари нашр этилди, уларда туризм тарихи ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар масалалари ўрганилди. Мавзуга оид тадқиқот ишларида Ўзбекистонда туризм соҳасини оммалаштиришнинг турли жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.[2] Таъкидлаш жоизки ушбу тадқиқотларда туризм соҳасини ўрганиш масаласига иқтисодий ёндашув устунлик қилади. Бироқ мазкур тадқиқотларнинг аксариятида ҳудудий ва хронологик доиралар билан чекланганлиги кузатилади.

Хорижий тадқиқотларда бир қатор жиҳатлар, шу жумладан, туризм ва туристик фаолият муаммоларига доир тушунчавий аппаратни ишлаб чиқиш билан боғлиқ назарий ва методологик йўсиндаги масалалар, халқаро туризмни районлаштиришнинг муҳим масалалари, туризмнинг турли йўналишларини таъминлашга доир маълумотлар, туризм маданияти назарияси, янгича ёндашувлар ва туризмни ривожлантириш концепцияси, туризмдаги хавфларни ўрганиш муаммосига социологик ёндашув масалалари кўтарилган. [3]

Адабиётларнинг қисқача шарҳи шуни кўрсатадики, турли даврларда туризм тармоғи бўйича бир қанча илмий ишлар яратилган бўлса-да, мазкур муаммо ҳозирга қадар долзарб ва мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши жараёнида унинг такомиллаштирилиши масаласини қиёсий-тарихий таҳлилинини тақозо этади. Ҳозирги кунда мамлакат туризм салоҳиятини ривожланган давлатлар фойдаланаётган инновацион ғоялар асосида ҳамда бизда мавжуд бўлган туристик салоҳиятдан фойдаланиш орқали дунёга намоён қилиш зарур

хисобланади.

Тадқиқотнинг методологияси (Research Methodology). Тадқиқот жараёнида туризмни ривожлантириш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, мантикий моделлаштириш, синтез, таққослаш, туризм соҳасидаги фундаментал ва амалий ишланмаларни таҳлил қилиш, холислик тамойиллари, социологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Ўзбекистон туризм соҳасида дунё бўйича улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Ўзбекистон жаҳон туризм ташкилотининг Ипак йўли лойиҳасининг асосий бўғини бўлиб, бу лойиҳа бўйича туристларнинг ихтиёрига таклиф этилаётган турларнинг аксарият қисми Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Ўзбекистонда асосан маданий туризм бошқа турларга қараганда кўпроқ ривожланган. Туризм йўналиши бугунги кунда жаҳон давлатларида устувор соҳага айланган вақтда мамлакатимизда табиий, маънавий, маданий, моддий меросимиз билан боғлиқ зиёрат туризми салоҳиятини ривожлантириш, у ерга маҳаллий аҳоли билан бирга, хорижий туристларни ҳам жалб қилиш давлат истиқболлини белгилайди. Маълумки, Ўзбекистонда 7-8 мингдан ортиқ тарихий обидалар мавжуд бўлиб, улардан 209 таси ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мерос объектлари рўйхатига киритилган. Ислом маданияти обидаларини асраб-авайлаш ва тарихий обидаларга бой давлат сифатида Ўзбекистон 9 ўринни эгаллаб турибди. Ўзбекистон тарихий меъморий ёдгорликларнинг сони бўйича жаҳондаги етакчи ўнта мамлакат қаторига киритилиб, тўртта йирик шаҳар ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданияти ёдгорликлари сифатида халқаро ташкилот томонидан муҳофазага олинган. Ўзбекистон туристик имкониятининг 33%ини архитектура ёдгорликлари ташкил қилади. Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарлар очик осмон остидаги ўзига хос музейлар ҳисобланади. Айнан шу тарихий шаҳарлардаги музейлаштирилган объектлар негизида инновацион саёҳлик объектларини ривожлантириш борасида сўнгги йилларда қатор фармон ва қарорлар ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди. Маданий тарихий аҳамиятга эга бўлган объектлардан 545 таси архитектура, 575 таси тарихий, 1457 таси санъат ва 5500 дан ортигини археологик объектлар ташкил этади.[4] Бундан ташқари, республикада 11 та миллий боғ ва давлат кўриқхонаси, 12 та кўриқхона, 122 та музей ва сайёҳларни жалб қилиш мумкин бўлган кўплаб бошқа объектлар ҳам мавжуд.

Шундай бўлсада, узоқ йиллар мобайнида, бу салоҳиятдан тўлалигича фойдаланилмади. Масалан, 2011-2016 йиллар давомида хорижий меҳмонларнинг мамлакатга ўртача йиллик ташрифи 8% га ўсган ҳолос. 2016 йилда Ўзбекистон туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш жараёни бошланди. Ўзбекистоннинг барча иқтисодий тармоқлари сингари туризм соҳаси ҳам янгича ривожлана бошлади 2016-йилнинг декабрь ойи бошларида давлат раҳбари туризм соҳасини “жадал ривожлантириш” вазифасини кўйди ва бу бўйича тегишли ҳужжатга имзо чекди ва туризм тармоғини ривожлантиришга комплекс ёндашув амалга оширила бошланди. Бунинг самарасида ваколатли давлат органи Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ташкил этилди, тадбиркорларга туризм соҳасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этиш, миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш учун шароитлар яратиш бўйича давлат раҳбари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди ҳамда виза режимини либераллаштириш ишлари амалга оширилди.[5]

Туризм соҳасидаги ўзгаришлар миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан бири бўлиб, у ҳудудларнинг жадал ривожланишини таъминлайди. 2016-2019 йиллар оралиғида Ўзбекистонга ташриф буюрган халқаро сайёҳларнинг сонидан сезиларли ўсиш кузатилди. Солиштириш учун, 2016 йилда мамлакатга 2 миллион чет эллик сайёҳлар ташриф буюрган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони 3,3 баробарга кўпайиб, 6,7 миллионга етди.[6] Эътиборли жиҳати шундаки, сайёҳлар сонининг ошиши турли ҳудудларда турлича рўй

бермоқда. Мисол учун, Марказий Осиё мамлакатларидан ташриф буюрганлар сони йиллик ўртача 22-25 фоиз атрофида кўпайган бўлса, узоқ хорижий мамлакатлар фуқаролари орасида йиллик ўсиш 50 фоизни ташкил этди. [7] Биргина Қашқадарё вилоятига 2019 йилда 95 та хорижий давлатлардан 144,2 минг нафардан ортиқ хорижий сайёҳлар ташриф буюриб, 2018 йилга нисбатан 1,7 бараварга ошган. Ички сайёҳлар сони 2019 йилда 1 млн. 650 минг нафарни ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 150 минг нафарга ошган. [8]

Ички туризм йўналишида ҳам ижобий натижалар қайд этилди. 2016 йил билан солиштирганда 2019 йилда маҳаллий сайёҳларнинг сони деярли 2 баробарга кўпайиб, 14,7 миллионга етди. Жумладан, жорий йилда Наврўз байрами муносабати билан кўшимча дам олиш кунлари белгилангани, 250 та меҳмонхона ва музейлар аҳолига чегирма бергани, зиёрат объектлари бепул қилингани ички туризм учун катта туртки берди. Бу орқали Бухоро ва Самарқандга кўшимча 110 минг маҳаллий туристлар борди. Айниқса, Ромитан туманидаги “Бухоро оазис”, Поп туманидаги Чодак ва Самарқанд туманидаги Конирил қишлоқларида ташкил этилган мажмуаларнинг ички туризмни ривожлантиришдаги ижобий натижалар бермоқда.

Таъкидлаш лозимки, коронавирус пандемияси шароитида жорий этилган чекловлар ва уларнинг натижасида юзага келган глобал инқироз оқибатлари туфайли туризм соҳаси катта талофатларга юз тутди. Хусусан, 2020 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эллик сайёҳларнинг сони 96% фоизга камайиб, 1,5 млн. нафарга тушиб кетди. Кўрсатилган сайёҳлик хизматларининг ҳажми эса 261 млн. долларни ташкил этди.[9]

Дунёда пандемия чекловлари юмшаётгани натижасида туризм индустрияси тикланишни бошлаётгани куришимиз мумкин. 2022 йил биринчи чорагида юртимизга хориждан 610 минг нафар ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 баравар кўп туристлар келди.

Маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристик маҳсулотлар турини диверсификация қилиш ва энг муҳими соҳанинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш орқали унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўлида туризм тармоғи фаолиятини тартибга солувчи 1991-2021 йилларда қабул қилинган 107 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ярмидан кўпи – 90 та ҳужжат – 2016 йил декабридан кейин имзоланган, шу тариқа туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоғи мақомини олди. Мамлакатлар орасида виза режимини соддалаштириш фуқароларнинг мобиллигини таъминлаш билан бир қаторда расмийлаштириш харажатларни камайтиради ва чет эллик сайёҳлар оқимини кўпайтиради. 2018 йилда 9 та давлат фуқаролари учун Ўзбекистонда визасиз режим жорий қилинган бўлса, 2021-йилга келиб Ўзбекистон дунёнинг 90 та давлати билан визасиз режим ўрнатди.[10] Хорижий давлат фуқароларининг алоҳида турлари учун «Vatandosh», «Талаба», «Академик», «Тиббиёт» ва «Зиёрат» каби янги 5 хил виза турлари жорий қилинди. Виза режимини соддалаштирилиши ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди: 2019 йилда чет эллик сайёҳлар сонининг ўсиши ўртача 26 фоизни ташкил қилган бўлса, визасиз режим жорий қилинган мамлакатлар ўртасида ўсиш кўрсаткичи 58 фоизга етган.

Мустақиллик йилларида тарихий-маданий мерос объектларини қайта тиклаш, таъмирлаш ва улар бўйлаб халқаро ҳамда маҳаллий туризмни ривожлантириш учун кенг имкониятлар вужудга келди. Ўзбекистоннинг музей-қўриқхоналари музей туризмни ривожлантириш мақсадида сайёҳлик ярмаркаларида фаол қатнашиб, қизиқарли экспонат, буклет, тарихий ёдгорликларнинг фотожамланма, макетлари билан кўчма кўرғазмалар ташкил эта бошлади. Туристлар оқимини кўпайтириш учун янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилди. Музей ва кўрғазма залларида экспонатлар доимий равишда алмаштирилиб, экспозициялар янгиланди ва янги кўрғазмалар ташкил этилди. Экспозициялар ва кўрғазма жамланмаларининг электрон вариантлари, мультимедиа маҳсулотлари тайёрланди. Сайёҳларга замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ўзбекистон музей туризмни жаҳон андозалари талаблари даражасига кўтариш, сайёҳликнинг янги йўналишларини шакллантиришга қаратилган бўлиб,

улар музей экспозицияларининг қиёфасини янгиламоқда.

Бироқ юртимизда мавжуд 122 та музей салоҳиятидан туризмни ривожлантиришда тулик фойдаланилмаётгани таъкидлаш лозим. Музейларда 2,5 млндан ортиқ ашё сақланиб, 112 мингтаси нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ноёб ҳисобланади. Мисол учун, Савицкий, Термиз археология, Ўзбекистон давлат санъат музейларига бутун дунёдан сайёҳлар келади. Афсуски, музейларда ўтказилган текширишларда республика бўйича 14 та музейда 3 мингдан зиёд нодир ва ноёб маданий бойликлар талон-торож қилингани қайд этилди. Жумладан, Бухоро давлат музейида жами 31,5 миллиард сўмлик 81 та маданий бойликлар қалбакиларига алмаштириб қўйилгани аниқланган. “Ичан-Қалъа” давлат музей фондида жами 101 та музей ашёлари аслига тўғри келмаслиги маълум бўлди. Умуман, 30 йилда маданий мерос объектларига етказилган зарар миқдори 4 триллион сўмдан ошган. Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан туризм соҳасига бағишланган 2022 йил 26 апрелда ўтказилган видеоселекторда барча музейлар экспонатларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, йил якунига қадар уларнинг электрон базасини яратиш, 4,5 мингдан ортиқ археология ёдгорлигини очиқ осмон остидаги музейларга айлантириш, музейлардаги ноёб 2,5 минг экспонатни танлаб олиб, уларнинг нусхасини тайёрлаш ва сотишни йўлга қўйиш вазифалари белгиланди.

Мамлакатимизда туризмнинг турли йўналишларида кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда альпинизм, отда, туяда, велосипедда саёҳат қилиш, off-road сайёҳатлари, балиқ ови, рафтинг, хелиски, геотуризм, таълим туризми, тиббий туризм каби янги сайёҳлик йўналишлари оммалашмоқда. Сўнгги йилларда МІСЕ туризм яъни, Ўзбекистонда турли учрашув, конференция ва кўргазмаларни ташкил этиш орқали сайёҳлар оқимини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хоразмда анъанавий тарзда ўтказиладиган «Баҳодирлар ўйини» спорт турнири, Сурхондарёда «Бахшичилик санъати» фестивали, Қорақалпоғистонда «Муйнак-2019» авторалли мусобақалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Марказий Осиёда экотуризм энг ривожланган етакчи давлатдир. Юртимиз бой ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, бетакрор ландшафт манзараси, миллий анъаналар ва таомлар ошхонаси билан сайёҳлар эътиборини қозониб келади. Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи, унинг таркибига кирувчи Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси, Айдар-Арнасой кўллар тизими ва Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зоналарида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масалалари доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизда Чимён, Билдирсой ёки Зоминдан кам бўлмаган, лекин салоҳияти ҳали ишга солинмаган туристик манзиллар кўп. Масалан, Бойсундаги дунёда энг чуқур ғорлардан ҳисобланган Бойбулоқ (Осиёда энг чуқур, 1 минг 415 метр), ёнидаги Вишневский (715 метр), Неандартал одам қолдиғи топилган Тешиктош ғорлари, Дарбанд дараси, қадимий эллин маданияти ёдгорлиги Узундара қалъаси бутун дунёдан сайёҳларни ўзига жалб қилади. Бундай имкониятлар Бўстонликдаги Товоқсой, Оҳангарондаги Овжасой, Ангрендаги Янгиобод, Шаҳрисабздаги Мираки, Янгиқўрғондаги Нанай, Попдаги Чодак ҳудудларида ҳам мавжуд.

Туризм соҳасида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мисол учун, Наманганда ишга туширилган “Афсоналар водийси”, Бўстонликда “Амирсой мажмуаси”да ҳам болалар учун, ҳам катталар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, кунига минглаб хорижий ва маҳаллий туристлар келмоқда.

2018 йилда 21-23 февраль кунлари Ш.Мирзиёв ташаббуси билан ислом маданиятини пойтахти сифатида намоён бўлиб келган Бухорода 34 мамлакатдан ташриф буюрган 120 хорижий меҳмонлар иштирокида биринчи Зиёрат туризми Форуми ўтказилиб, зиёрат туризми декларацияси халқаро миқёсида имзоланди. Бу тадбирдан кўзланган мақсад республикамиз ҳудудларида зиёрат туризмни ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, бу соҳага тўғридан тўғри инвестицияларни жалб қилиш, зиёрат туризмнинг туристик хизматлар экспортидаги улушини ошириш. Зиёрат туризми билан ташриф буюрган сайёҳларга алоҳида

кулайлик яратиш мақсадида меҳмонхоналарда янги талаблар жорий этилди, республика ҳудудидаги масжидларнинг харитаси ишлаб чиқилиб, мобил дастурга жойлаштирилди. Амалга оширилган ишлар натижасида, «CrescentRating» ташкилоти томонидан тузиладиган Глобал мусулмон туризми индексида Ўзбекистон 10 поғонага кўтарилиб 22-ўринни эгаллади. [11]

Ўзбекистонда тиббий туризмни ривожлантириш ва тиббиёт масканларига кўпроқ сайёҳларни жалб қилиш бўйича турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз санаторийларининг оммабоплиги динамикаси куйидагича кўринишда эга: 2013 йилда дунёнинг 26 мамлакатидан 4 мингга яқин хорижий фуқаролар тиббий хизмат олиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрган бўлса, 2015 йилда – 40 мамлакатдан 8 мингдан ортиқ киши, 2019 йилда – 49 мамлакатдан 24 мингдан ортиқ киши ташриф буюрган. Маълумотларга кўра, 2019 йилда Ўзбекистонга тиббий мақсадларда ташриф буюрган чет эллик фуқаролар сони 50 мингдан ошди. Шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда тиббий туризми ривожлантиришга имконият кенг, бироқ бу йўналишда имкониятлар тулиқ фойдаланилмапти. Худудларимиздаги 206 та термал ва минерал сувли булоқларнинг бугунги кунда 18 тасидан фойдаланилмоқда холос. Мисол учун, Қамчиқ довонида (Оҳангарон тумани) 2,5-3 минг метр баландликда жойлашган Арашан кўллари тизимидаги сув ҳарорати қишин-ёзин 36 градус иссиқликда бўлиб, хорижий курортлардан қолишмайди. Ёки, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир, Мубарек, Қарликда ҳам ер остидан 40-70 градус иссиқликда чиқадиган термал булоқлар ҳудудида санатория-курортлар ташкил қилиш учун барча имкониятлар мавжуд бўлсада, улардан фойдаланилмай келинмоқда. [12]

Мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланишида хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир юзлаб тадбиркор ва ҳунармандлар туризм соҳасига жалб қилинган бўлиб, улар сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқариш, меҳмонхона хўжалиги, сайёҳларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Туризм соҳасига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида, давлат хусусий шерикчилик шартлари асосида меҳмонхоналар қуришга қатор имтиёзлар жорий қилинди. Натижада, жойлаштириш воситаларининг сони кескин кўпайди. Хусусан, 2016-2020 йиллар оралиғида уларнинг сони 750 тадан 1308 тага, мавжуд ўринлар сони эса 34 мингдан 62 мингга ошди. Шунингдек, 2018-2020 йиллар давомида меҳмон уйлариининг сони 13 баробарга ошиб, 1386 тага етди. [7]

Туризмни ривожлантиришда хориж мамлакатларида бўлиб ўтадиган сайёҳлик кўргазма ва анжуманлари муҳим аҳамият касб этади. Юртимиз миллий маданий меросини чет элларда оммалаштириш, мамлакатимизга хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотлари Мадрид, Рига, Берлин, Париж, Токио, Лондон, Москва, Истанбул каби дунёнинг йирик шаҳарларида қатор кўргазмалар ташкил этмоқда ёки халқаро кўргазмаларда қатнашмоқда. Бу, албатта, ўз самарасини бериб, хорижий сайёҳларнинг юртимизга оқими тобора кўпаймоқда. Ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбари топшириқлари асосида Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Фарғона вилоятларида туризм инфратузилмасини яхшилаш, янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этиш ҳамда худудларнинг туризм салоҳиятини кенг тарғибот қилишга қаратилган дастурлар қабул қилинди. Жумладан, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сайёҳлар учун куну тун фаолият кўрсатувчи, ҳар бирининг худуди 10 гектардан иборат "Қадимий Бухоро" ва "Самарқанд сити" туризм худудларини барпо этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Юртимизда қишлоқ туризмни ривожлантириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. 2018 йилдан бошлаб Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги "Меҳригиёх" хусусий компанияси сайёҳлар учун шифобахш гиёҳларни йиғишда иштирок этиш ва лаванда далаларида фотосессия ўтказиш ташкил қилди. Қашқадарё вилоятида ўтказилган туристик тадбирлар доирасида Китоб туманидаги "Варганза" қишлоғига биринчи агротуристлик қишлоқ мақоми берилди, бу ўз ўрнида қишлоқ туризмни ривожлантиришда муҳим воқеалардан бирига айланди. Ҳамда Конимех, Сентоб (Навои вилояти), Конирил (Самарқанд вилояти), Аввал,

Вуадил (Фарғона вилояти) каби агро экотуристтик қишлоқлар ҳам барпо этилди. [12]

Ўзбекистонни энг жозибадор сайёҳлик йўналишларидан бири сифатида 10 дан ортиқ нуфузли хорижий нашрларда эътироф этилди. Ўзбекистонда туризмни иқтисодийнинг стратегик соҳаларидан бирига айлантириш бўйича қилинган ишлар турли рейтинг ва номинацияларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, сўнгги йилларда БМТ ҳузуридаги Жаҳон туризм ташкилоти Ўзбекистонни туризм соҳасида шиддат билан ривожланаётган давлатлар рўйхатида 4-ўрин билан баҳолади. Ўзбекистон 2017 йилдан 2021 йилгача изчиллик билан сайёҳлар учун хавфсизлик рейтингида дунёда 46-ўринни, МДХ мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллади, Мадриддаги “Grandvoyage Tourism Awards” туризм мукофотларида “энг яхши ривожланаётган сайёҳлик йўналиши” номинациясида 1-ўринни эгаллади, 2019-йилда “New York Times” газетасида “Жадал ривожланаётган сайёҳлик йўналиши” номинациясида ғолиб деб эълон қилинди, мусулмон аеллар учун энг яхши мамлакатлар рейтингида 8-ўринни эгаллаб келмоқда.[13]

Хулоса (Conclusion). Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш ва тизимли ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришилди. Мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга жуда катта имтиёз ва имкониятлар яратиб берилганлиги соҳа ривожининг асосий омили бўлди. Зиёрат туризми, тарихий-маърифий, МІСЕ туризми халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларига айланди. Таҳлил шуни кўрсатадики, анъанавий туризм турлари билан бир қаторда 2017 йилдан унинг гастрономик, тиббий, этнографик, зиёрат туризми, ишбилармонлик туризми сингари янги ҳамда кино туризми, таълим ва транзит туризми каби истиқболли йўналишлари ривожлана бошлади. Шу билан бир қаторда баъзи бир камчилик ва фойдаланилмаётган имкониятлар, муаммолар ҳам кўзга ташланади: халқаро стандартларга жавоб бермайдиган, етарлича сифатга эга бўлмаган хизмат, транспорт таркиби билан боғлиқ муаммо, авиапарвозлар баҳосининг баландлиги, йўл бўйи инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, ўзбек туризмида реклама даражасининг пастлиги, ёрқин бренднинг мавжуд эмаслиги, меҳмонхоналар ва бошқа хўжаликларнинг асосий ва қўшимча хизматларига жорий этилган юқори солиқ ставкалари, сайёҳлик хизматларини амалга ошириш учун чет элдаги йирик шаҳарларда сайёҳлик агентликларининг йўқлиги шулар жумласидандир, уларни бартараф этиш ва бу йўлда ривожланган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. Тошкент ш. <http://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>.
2. Саидова А.Ф. Туризм в Узбекистане: экономические, социальные и организационные аспекты. – Москва: Институт туризма, 1991; Хамидов О.Х. Ўзбекистон экотуристтик салоҳияти. – Тошкент: Фан, 2010; Тухлиев И., Сафаров Б. Основы туризма. – Ташкент: Yangi nashr, 2012; Абдурахманов К.Х. Менежмент туризма. – Ташкент, 2013; Очилова Х.Ф. Гастрономический туризм. – Ташкент: IQTISODIYOT, 2017; Усманов М.Р. *Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида): Геогр. фан. номз. автореф.* – Тошкент, 2003; Бердиёров Б.С. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмат бозоридаги ўрни: иқт. фан. номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 2010; Джалилов О.З. Проблемы и перспективы развития историко-культурного туризма в Узбекистане 1991-2011.: Дисс. канд. ист. наук.–Ташкент, 2011; Мансуров М.Ш. Мустақиллик йилларида Фарғона водийсида туризм тараққиёти ва истиқболлари.: Тарих . фан. докт. (PhD) дис.– Тошкент, 2019.

3. Cooper C, Hall M. Contemporary tourism: An international Approach.–Elsevier,2008; M. Smith, M. Robinson, A. Phipps. Cultural Tourism in a changing world. Politics, participation and Representation. - Chanel View Publications,2009.; Dallen J. Timothy, P. Gyan. Cultural heritage and tourism in the developing world. A regional perspective. - Routledge,2009.
4. Джалилов О.З. Проблемы и перспективы развития историко-культурного туризма в Узбекистане (1991-2010 гг.) автореф. дисс. к анд. ист. наук. – Ташкент, 2011
5. Y.A.Ergasheva, A.J.Eralov. Public Policy in the Field of Tourism in the Republic of Uzbekistan and its Result. American Journal of Social and Humanitarian Research (AJSHR). Vol. №3. April 2022.
6. Туризм в Узбекистане. Статистический сборник за 2016-2020 год. –Ташкент, 2019.
7. <https://review.uz/uz/post/razvitie-turizma-v-uzbekistane-obzor-turotrasli-za-2016-2020-gg>
8. Y.A. Ergasheva, A.J.Eralov. The Importance of Kashkadarya Region in the Development of Pilgrimage Tourism. Eurasian Scientific Herald (ESH). Vol. №6. March, 2022
9. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>
10. Абдухакимов А.А. Узбекистан открывает двери. // Visit Uzbekistan. –Т.: 2017.
11. Ўзбекистонни зиёрат туризмнинг марказларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисида Бухоро декларацияси имзоланди // Халқ сўзи. 2019 йил 22 февраль.
12. Туризм в Узбекистане. Информационно-аналитический сборник Министерства туризма и спорта Узбекистана. – Ташкент, 2018.
13. Исақулов Ш.Н. Сўнги йилларда республикада туризмни соҳасини ривожлантириши, келгусидаги истикболлари ва мавжуд муаммолар// Ўзбекистон туризм ва спорт вазирлиги ахборот-таҳлил департаменти бошқармаси материаллари асосида.–Тошкент, 2021 йил 9 август